

Impact Factor: 4.951

ISSN: 2181-0788

DOI: 10.26739/2181-0788

www.tadqiqot.uz

IJC

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

KONSENSUS XALQARO JURNALI



VOLUME 2, ISSUE 1

2021

Bosh muharrir | Chief Editor:

JO'RAYEV NARZULLA QOSIMOVICH
Siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Deputy Chief Editor:

SAIDOV SANJAR SHAVKATOVICH
Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori
(PhD), O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Deputy Chief Editor:

ZAMONOV ZOKIR TURG'UNOVICH
siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori
(PhD), O'zbekiston Respublikasi

KONSENSUS XALQARO JURNALI TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI
EDITORIAL BOARD OF THE INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

ALIMARDONOV TO'LQIN siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	NURMATOVA GULSAYRA siyosiy fanlar doktori, professor, Qirg'iziston Respublikasi
ANITA SENGUPTA siyosiy fanlar doktori, professor Hindiston Respublikasi	QIRG'IZBOYEV MUQIMJON siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi
BAYDAROV ERKIN falsafa fanlari nomzodi, professor, Qozog'iston Respublikasi	QO'CHQOROV VAHOB siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi
GREGORY GLEASON siyosiy fanlar doktori, professor Amerika Qo'shma Shtatlari	QODIROV ANVAR falsafa fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi
FARMONOV RAHMON tarix fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	ONO MASAKI falsafa doktori, professor Yaponiya
JO'RAYEV SAYFIDDIN siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	TOLIPOV FARXOD siyosiy fanlar nomzodi, dotsent O'zbekiston Respublikasi
JENNIFER MURTAZASHVILI siyosiy fanlar doktori, professor Amerika Qo'shma Shtatlari	VASILIIY NIKULENKO tarix fanlari nomzodi, dotsent, Rossiya Federatsiyasi
MAMADAZIMOV ABDUGANI siyosiy fanlar nomzodi, dotsent, Tojikiston Respublikasi	CHANDER SHEKXAR falsafa doktori, professor, Hindiston Respublikasi
MADAYEVA SHAXNOZA falsafa fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	Mas'ul kotib Responsible secretary: TO'YCHIYEVA RA'NO O'zbekiston Respublikasi

PageMaker | Sahifalovchi: Xurshid Mirzahmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Жураев Нарзулла ГЛОБАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОСТИ И ОБЩЕСТВО ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ.....	4
2. Мухитдинова Фирюза ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ: ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	17
3. Allayarov Otabek, Yarbav Hasan THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE FIELD OF SCIENCE AND TECHNOLOGY DEVELOPMENT.....	25
4. Саидов Санжар РОЛЬ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В КОНТЕКСТЕ ИНТЕГРАЦИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ.....	34
5. Rajabov Habibullo WHAT IDEAS DO WE NEED?.....	43
6. Ortikova Nargiza POLITICAL ELITE AS A SCIENTIFIC PROBLEM.....	49
7. Amanov G'ofir, Yusufaliev Arzimurod THE EFFECT OF THE INTERNET ON THE FORMATION OF SOCIAL CONSCIOUSNESS OF YOUTH.....	55
8. Mirzalieva Shahodat NORMATIVE AND INSTITUTIONAL FOUNDATIONS FOR THE FORMATION OF THE STATE IMAGE OF UZBEKISTAN IN INTERNATIONAL RELATIONS.....	62

KONSENSUS CONSENSUS

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна,
ТДЮИ профессори, юридик фанлар доктори
E-mail.: feruza.mukhitdinova@gmail.com

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ: ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0788-2021-1-2>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада қадимги даврлардан энг янги тарих давригача Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ тарихи таҳлил этилган бўлиб, унда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ўзига хос хусусиятлари, қадимги даврдаги ҳуқуқ, ҳуқуқнинг юридик ва ўрганиш манбалари, уларнинг асосий белгилари, Мовароуннаҳр фикҳ (ҳуқуқ) мактаби, буюк фақиҳларимизнинг илмий мероси очиқ берилган. Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатган давлатларда инсон ҳуқуқи масалалари, суд тизими ва қонунчилик масалалари тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ёритилган. 2021 йил «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»даги халқ фаровонлигини амалга оширишда янги Ўзбекистоннинг ислохотларининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: тарих, давлат, ҳуқуқ, бурч, адолат, инсонпарварлик, ёшлар, ислохот.

Mukhitdinova Firyuza Abdurashidovna
doctor of law, Professor of the Tashkent state law University
E-mail.: feruza.mukhitdinova@gmail.com

STATE AND LAW: ANALYSIS OF HISTORICAL AND LEGAL TEACHING

ABSTRACT

The article analyzes the history of state and law in Uzbekistan from ancient times to the present day. The scientific heritage of our great scientists has been revealed. The historical and theoretical aspects of the development of state and law on the territory of Uzbekistan are analyzed, as well as issues of human rights, judicial and legislative problems in the history of development. Attention was paid to the State Program of 2021 on youth support and improvement of legislation.

Key words: history, state, law, duty, justice, humanity, youth, reforms.

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна,
профессор Ташкентского государственного юридического
университета, доктор юридических наук
E-mail.: feruza.mukhitdinova@gmail.com

ГОСУДАРСТВО И ПРАВО: АНАЛИЗ ИСТОРИКО-ПРАВОВОГО УЧЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется история государства и права в Узбекистане с древнейших времен до наших дней. Раскрыта научное наследие наших великих ученых. Проанализированы историко-теоретические аспекты развития государства и права на территории Узбекистана, а также изучены вопросы прав человека, судебные и законодательные проблемы по истории развития. Уделены внимание на Государственную Программу 2021 года по поддержке молодежи и усовершенствование законодательства

Ключевые слова: история, государство, закон, долг, справедливость, человечность, молодёжь, реформы.

“Ҳамма ўз тарихини улуглайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак”.

Шавкат Мирзиёев

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.

Маълумки, янгиланаётган ҳозирги Ўзбекистон учун бугунги кунда давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ўзига хос хусусиятлари, қадимги даврдаги ҳуқуқ, ҳуқуқнинг юридик ва ўрганиш манбалари, уларнинг асосий белгилари, Мовароуннаҳр фикҳ (ҳуқуқ) мактаби, буюк фақиҳларимизнинг илмий мероси, аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Иккинчидан, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунча кучли бўлади. Ёшларнинг ватанпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялашда ҳам бой давлатчилик тарихимиз, ҳуқуқ, адолат ғояларининг амалий ифодасини таҳлил этиш долзарб масаладир.

Учинчидан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил – «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони эълон қилиндики, унда беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг сўнгги йилидаги чора-тадбирлар акс этган бўлиб, айнан ёшлар ва ижтимоий ҳимоя масаласи давлат сиёсати даражасида эканлиги мазкур мақоланинг амалий заруратини тақазо этмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон инсониятнинг энг қадимги давлатчилик ва маданият марказларидан биригина бўлиб қолмай, унинг сиёсий-ҳуқуқий институтлари ҳам ўз ривожланиш тарихига эгадир. Бу ерда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш қонуниятлари ва тарихи, Миср, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон, Хитой каби қадимий давлатларга хос бўлиб, ҳозирги янги Ренессанс остонасида турган Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлат-ҳуқуқий институтлари, ҳуқуқ тизимларини таҳлил этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш олимларимиз олдида турган вазифалардандир.

Демак, юқоридагилар асосида фуқаролар дунёқарashi ва онгининг шаклланиши ва унга боғлиқ бўлган тарихий шарт-шароитларни ўрганиш ҳозирги даврда амалий аҳамиятга эга десак, муболаға бўлмайди.

Зеро, қиёсий ва тарихий таҳлилларимиз тарихчи, сиёсатчи ва ҳуқуқшунос олимларимизнинг илмий изланишларга кўра, давлат ва ҳуқуқ ривожланиш босқичларига тавсифланган. Жумладан, қадим Туронда давлат ва ҳуқуқ; илк ўрта аср давлатчилиги ва ҳуқуқи; Шарқ Уйғониш даври: Мовароуннаҳрда давлат ва ҳуқуқнинг ривожини, (IX–XIII асрлар); Амир Темур ва Темурийлар давлати ва ҳуқуқи (XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошлари); Хонликларнинг вужудга келиши ҳамда ҳуқуқ (XVI–XIX асрнинг биринчи

ярмида давлат ва ҳуқуқ); XIX асрнинг иккинчи ярмида давлат ва ҳуқуқ ҳамда янги Ўзбекистон давлатчилиги ва ҳуқуқи масалалари атрофлича таҳлил этилган.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ.

Мазкур мақолани тайёрлаш жараёнида умумметодик усуллардан, яъни тарихийлик, киёсий-маникий таҳлил, кетма-кетлик ва холислик тамойилларига таянилди. Кўп ҳолларда киёсий, тарихий-ҳуқуқий метод мажмуий-комплекс метод сифатида қўлланилди.

Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги дастлабки фикрлар билан бирга қонун ва қонунчилик ғоялари ҳам шакллана бошлаган. Жамият аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонунлар алоҳида ўрин тутганки, адолатли давлат ҳамда қонунчилик ҳақидаги дастлабки сиёсий-ҳуқуқий қарашлар Шарқ алломаларининг асарларида ўз ифодасини топган. Мазкур мақолада кўтарилган муаммо эса, кўпгина олимларимизнинг илмий ишлари асосида таҳлил этилган. Жумладан, давлат ва ҳуқуқ тарихини илмий жиҳатдан ўрганишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор Х.С.Сулаймонова, ҳуқуқшунос олим О.Э.Эшон, академик Ш.З.Ўразаев[1], А.Х.Саидов, профессорларимиз Х.Б.Бобоев, З.Муқимов, Х.Одилқориев, Ж.Т.Тошқулов, А.Ш.Жузжонийларнинг ишлари таҳсинга сазовордир.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳуқуқи тарихининг турли даврларида ҳуқуқ тармоқларининг ривожланишига оид таҳлилларни ўрганишга бағишланган илмий ишлар А.А.Аъзамхўжаев, Ғ.А.Аҳмедов, Х.Б.Бобоев, А.Жузжоний, Ж.Т.Тошқулов, И.Б.Зокиров, Ш.Ўлжаева, Н.Юсупова ва бошқаларнинг илмий ишларини кўрсатиш мумкин[2]. Айниқса, “Мовароуннаҳрлик буюк фақиҳлар, “Бурхонуддин Марғинонийнинг фикр илми” каби янги изланишлар мустақиллигимизнинг 30 йиллиги, янги Ренессанс остонасидаги янги ҳуқуқий таълимотлар тарихининг ҳам долзарблигини тақозо этмоқда. Ҳам тарихчи, ҳам ҳуқуқшунос олима Шохиста Ўлжаева томонидан Амир Темур давлатида давлат бошқаруви ва суд тизим, инсон ҳуқуқи ва адолат ғояларининг амалий ифодаси таҳлил этилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, гендер тенглиги масалалари, болалар ҳуқуқи, ногиронлик ва ижтимоий ҳимоя масалаларига янгича ёндашув, ислохотлар ўз тадқиқотчиларини кутаётгани ҳам мавзунинг долзарблигини оширади.

Демак, таҳлилларимизга эътибор қаратсак, қадим Туронда давлат ва уни бошқариш масалаларига оид тарихий манбалардан бири зардуштийларнинг муқаддас китоби – “Авесто”га кўра, уруғ жамоаси – айрим оилаларнинг бирлашмаси (нимана), уруғ бошлиғи (пати), уруғ бирлашмалари эса қабила (занту)ни ташкил қилганлиги қайд этилиши, дастлабки бошқарув институтларидир. Вилоятлар – дахью, бир неча вилоят уюшмаси – дахьюсасти, бошлиғи – данху пати деб юритилиб, қабилалар иттифоқи бошида шоҳ (кави) турганлиги давлат бошқарувининг ҳуқуқий ва амалий ифодасидир. “Авесто”да тасвирланган жамият уч асосий (тоифага) кастага: қоҳинлар, аскарлар, деҳқонларга бўлинган. Қуллар ҳам мавжуд бўлиб, улар вира, вайса, париятлар номи билан юритилиши ҳам тарихий ҳақиқатдир. Ёки Ўзбекистон Конституциясининг алоҳида боби Оила масалаларига қаратилган бўлса, энг қадимги ёзма манба “Авесто”да ёзилишича, зардуштийларда оила ва никоҳ муқаддас саналган. Зардуштийлик тартиб-қоидаларига кўра, ўз ҳаётини уйланмай ёки турмушга чиқмасдан ўтказиш қораланган.

Масалан, агар балоғат ёшидаги қиз ота-она ёки жамоа раъйидан юрмай, ўзидан зурриёд қолдиришини истамай, қасдан турмушга чиқмай, умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланган. Эркаклар эса, ўн етти ёшда уйланиш ҳуқуқига эга бўлган. Агар эркак киши зурриёд қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босилиб, бадном қилиш мақсадида белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган.

Энди давлат ва ҳуқуқнинг тарихий ривожига оид буюк мутафаккирларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларда адолат, одиллик, ҳалоллик асосида қурилган жамият ва давлат масалалари таҳлил этилгани диққатга сазовордир. Жумладан, Шарқ Уйғониш даврининг яна бир жиҳати давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий негизлари адолат, ахлоқ тамойилларини

шаклантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳамда амалий асосларини ривожлантириш бўлиб, давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари таснифлари, масъулияти мезонлари тизимининг назарий негизларини яратишга қаратилгани Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида ўз ифодасини топган. Асар инсоният жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий давлатга бўлган эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши, унда адолат ва ахлоқнинг шаклланиши қонуниятларини назарий жиҳатдан таснифини яратганлиги билан машҳурдир. Шу тариқа олим давлат шакллари ва унда бошқарувнинг мунтазам, изчил сиёсий тизимини яратишга эришганди. Масалан, фозиллар шахрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қуришнинг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади. “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар”, деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий кадриятларни тизимлаштиради. Эътиборли жиҳати шундаки, Форобий қарашларидаги “ҳокимни мутлоқ бўлмаслиги”, “сайловчилар иродаси”, “озодлик” каби фикрлари нафақат шу даврда, балки бугунда ҳам инсоният маданиятининг – демократиянинг бош ғояси бўлиб хизмат қилади.

Давлат ва унинг бошқарувида даҳлдор масалалар Юсуф Хос Ҳожиб ижодида ҳам катта ўрин тутган. У “Кутадғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий-ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга қаратилган қарашлари билан эътиборлидир. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди, “Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғилдилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса, яхши иш юритиш уқуви билан ҳам сийлайди”, деб таъкидлаган Юсуф Хос Ҳожиб.

Қомусий олим Ибн Сино Ўрта Осиё табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрларнинг буюк намоёндаси, тиббиёт, фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий таълимот тарихига улкан ҳисса қўшган мутафаккирдир. Ибн Сино фалсафани назарий ва амалий фалсафа сифатида иккига бўлади. Ижтимоий-сиёсий масалалар, давлат, инсон жамиятининг тузилиши, вазифалари, жамоани бошқариш, инсон уюшмаларининг фаолияти, инсоннинг хулқ-одатлари, ахлоқ, жамоа ва оиладаги ахлоқ мезонларини ўрганади. У амалий фалсафани ўз вазифаси ва предметига қараб уч қисмга бўлади. Ахлоқшунослик – бу инсон шахсиятининг фазилатлари, ахлоқий тушунчалар, қоидалар: иқтисодиёт оилани бошқариш, унинг талабларини, вазифа ва фаолиятини таъминлаб туриш учун зарур бўлган масалалар: сиёсат – бу давлатни идора этиш ва бошқариш, ҳукумат ва фуқароларни ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни таъминлаш масалаларини ўрганиши таснифланади. Унинг “Ишорат ва Танбихот”, “Рисодату тадбири манзил”, “қуш тили” каби асарлари бевосита давлат бошқарувининг адолатпарвар ва ахлоқий асосларига баришланади.

Шунингдек, адолатли давлат бошқаруви, унинг мукамал тизимини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан олиб бориш, фаолиятларни мунтазам назорат қилиш, итоат ижро ва сифатлари тўғрисидаги фикрлари билан аҳамиятлидир. Айниқса, Низомулмулкнинг “Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак”, деган қарашлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг демократик тартиботларига нечоғли даражада аҳамият берганлигидан далолат беради.

Иккинчи Ренессанс даври бўлмиш теурийлар даврида ҳам Амир Темур ҳам ана шундай сифатлар соҳиби сифатида давлат бошқарувининг демократик асосларини яратишга эришган. У мамлакат ишларини доимо, кенгаш, машварад маслаҳат, ҳушёрлигу мулоҳазакорлик, эҳтиёткорлик билан амалга оширганлигини таъкидлайди. «Темур

тузуклари»да молия вазири масъулиятига тегишли диққатга сазовар бир тузук бор: «Молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб (ҳазинадан бирон маблағни) ўзлаштириб олган бўлсалар (аввал текшириб кўрилсин). Агар ўзлаштириб олинган маблағи унинг салтанатдан олган маошига тенг келса, мазкур маблағ унга совға – инъом ўрнида берилсин. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баравар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маошидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баравар кўп бўлса, вазирнинг мол-мулки салтанат хазинасига ундирилсин». Бу қонун олдида барчанинг тенглик тамойилининг тарихий ва амалий ифодасидир. Агар суд жараёнини таҳлил қиладиган бўлсак, унда мазкур даврда адлия, яъни суд тизими тўртга бўлинган.

Адлия вазирлиги тўғридан-тўғри фуқаролар ё, манба тили билан айтганда, дунёвий ишлар билан шуғулланган. Ҳарбий суд (қози аскар, яъни сипоҳ қозиси, лашкар қозиси), фуқаролар ишини кўрадиган ихдом қозиси ва шариат тартиблари билан эса ислом қозиси шуғулланган. Бу соҳода ҳам Амир Темур даврида илгариги анъаналар давом эттирилган. Суд тизимидаги тақсимот эса бизларда бир неча асрлар муқаддам амалга ошиб келганини мазкур давр мисолида ҳам мушоҳада қилса бўлади. Қонун, ўша замон тартиблари олдида жавобгарлик барчага баробар бўлган. Масалан, Амир Темурнинг набираси Пир Муҳаммад ибн Умаршайх ўз қилмиши учун девони мазолимда қаттиқ сўроқ қилиниб, айби аниқлангач, шунга яраша жазо берилгани ва бу ҳақда шахсан Амир Темурнинг ўзи фармон бергани тарихий манбаларда ўз аксини топган[3].

Талаблар нафақат фуқаро ё, кўрганимиздагидек, ҳукмдорга нисбатан, балки ҳокимият идоралари ҳам масъулиятлилиги маълум. «Агар, – дейилади «Тузуклар»да, – (хароб бўлиб ётган ерларнинг) эгаси бўлса-ю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Қонунчиликда биринчи ўринда фуқаро манфаати турган. «Тузуклар»да шу нарсага алоҳида эътибор қаратиладики, раият хонавайрон қилинса, (давлат) хазинаси камбағаллашишига олиб келади... (бу эса ўз ўрнида) салтанатнинг кучсизланишига олиб боради.

Зеро, иқтисодий қудратта эга бўлмаган давлат доим заиф бўлиши ҳам таҳлил этиладики, унга кўра, иқтисодий қудратни эса халқ (раият) яратиши таъкидлангани бежизга эмас. Бунда адолатли қонуннинг ўрни катта. Айни пайтда, мамлакат ишларини Кенгаш асосида олиб бориш, маслаҳат ила одил ҳукм чиқариш, раиятни, яъни халқнинг манфаатини ҳимоя қилиш Амир Темур сиёсатининг бош мақсади бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай ёндашув бевосита давлат бошқаруви тақсимотининг илк кўринишлари тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишига замин яратган. Шу ўринда бугунги ислохотларга қиёсий назар ташласак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4653-сон Қарори 3-иловасида «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғрисида» Низом қабул қилинди. Бу низомда умумий қоидалар, вазирликнинг тузилиши, вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифа ва функциялари келтирилган.

Камбағалликни қисқартириш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилади. Зарур инфратузилма яратиш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгаллик ҳуқуқи билан сотилади. Ушбу лойиҳа ўзини оқласа, иккинчи ярим йилликда яна қўшимча 150 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилди ва махсус ишчи гуруҳи тузилгани Темур давлатчилигининг мантиқий давоми сифатида инсон манфаатининг ҳимоя қилинишининг янги босқичидир.

Мазкур тарихий таҳлиллар ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар XV асрда Мовароуннаҳр, Эрон ва Хуросонда ижтимоий-фалсафий, маърифий фикр тараққиётига катта ҳисса қўшган олимлардан бири Жалололдин Давоний қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Давоний ўз

ижтимоий-ахлоқий қарашлари билан Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий қарашларига ҳамоҳанглиги комил инсон ҳақидаги ғояларида кўзга ташланади.

Маълумки, Шарқ Уйғониш даврида, Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият юксалган давр эди. Давоний ҳам ушбу даврнинг илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшган қомусий олимдир. Унинг йирик олим бўлиб етишишида Самарқанд, Ҳирот илмий муҳитининг ҳам катта таъсири бўлган. Давонийнинг «Ахлоқи Жалолий» асари форс тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган ва шуҳрат қозонган. Мазкур асар 1470–1478 йилларда яратилган бўлиб, 1948 йилда Эшонжон Ибн Муҳаммадхўжа томонидан ўзбек тилига қисқача таржима қилинган[4].

Ушбу манбага дунё аҳлининг қизиқишини ортишининг сабаби «Ахлоқи Жалолий»да инсон бахт-саодати учун энг зарур бўлган ахлоқий фазилатлар ва унга эришин йўллари ва усуллари кайд этилишидир. Асар уч қисмдан иборат.: биринчи қисм – ахлоқ фанига, иккинчи қисм – «Одамнинг ички ҳолати» оилавий ҳаётига, учинчи қисм – «Шаҳар (давлат)ни бошқариш ва подшоҳлар сиёсати», деб аталиб, унда муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар кўтарилди. Жамиятнинг пайдо бўлиши, давлат ва уни бошқариш масалалари, халқнинг фаровон ҳаёт кечиришида давлат бошлиқларининг, ҳукмдорнинг ўрни, мақоми ва вазифалари ўз ифодасини топган.

Қизиғи шундаки, Шарқ мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино каби Давоний инсоннинг камолга эришиши унинг бошқалар билан муносабатига боғлиқ эканлигини таъкидлаган[5]. Масалан, Абу Наср Форобий қарашларида ҳар бир инсон ўз табиатига кўра, кишилар жамоасига эҳтиёж сезади, деган ғоя илгари сурилса, Давонийнинг фикрига кўра, жамиятда, маълум ижтимоий муҳитда, бошқалар билан алоқада шаклланиб тарбия топган инсон ўзи яшаган жамиятда адолат ҳукмрон бўлса, унда бахт-саодатга эришиши мумкин, дейилади. Шунинг учун у «Ахлоқи Жалолий» асарида жамиятни адолатли – фозил шаҳарга ва жоҳил шаҳарларга бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Демак, Давоний давлат ҳамда жамиятга фойда келтирувчи кишиларни ҳақиқий шижоатли кишилар сифатида баҳолаган. Олим сабот-матонатни шижоатнинг таркибий қисмига киритган. У Ибн Сино фикрига янада чуқурроқ ёндашиб, ҳар қандай эҳтиёж, ҳар қандай фаолиятни шижоатга қўшмайди. Давлат манфаатларига бўйсунадиган, кишилик жамиятига хизмат қиладиган инсон фаолиятини шижоат деб атаган. Давоний қарашларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, мутафаккир Форобий томонидан фозил шаҳар ҳокимига қўйилган 12 талабни янада ривожлантиришга ҳаракат қилинган. Давоний ҳам Форобий каби шаҳарларни фозил ва одил шаҳарларга бўлади. Фозил шаҳарларни одил подшо идора қилса ва ўз ҳукмларида адолатга риоя қилса ва таъмагирликни ақл билан дафъ этиши таъкидланадики, бугунги кунда биз коррупцияга қарши курашда, “ҳалоллик вакцинасининг тарихий илдизини Давоний қарашларида кўрамиз, десак муболаға бўлмайди. Унинг таъкидлашича, давлатни идора этувчи адолатсиз бўлса, унинг қўл остидагилар ҳам таъмагирлик, ёлғончилик ва бошқа хатти-ҳаракатлар қиладилар, яъни подшоҳ ишини фуқаролар ҳам такрорлайди. Хуллас, ҳукмдор адолатли бўлса, бошқалар ҳам адолатли бўлиши илгари сурилган.

Шунингдек, Шарқ мутафаккирлари адолат тушунчасига алоҳида фазилат сифатида қараганларидек, Давоний қарашларида ҳам адолат тушунчаси асосий ўринни эгаллайди. Давоний одил шохни моҳир табибга ўхшатади. Доно табиб одамлар саломатлигини доимо кузатиб, унинг ҳолатини мўътадиллаштириб боргани каби одил шох ҳам фуқароларини йўлдан адашса, уларни тўғри йўлга солиб боради, дейди.

Давонийнинг эркинлик тушунчаси ҳақидаги таърифи алоҳида аҳамиятга эга. Эркинликни Давоний касб-ҳунар орқали моддий бойлик тўплаш ва бу бойликни хайрли ишларга сарфлаш деб билади. У инсон ёмон йўллар билан эмас, балки ақлига ишониб қилган ишлари ва ҳалол меҳнатини эркинлик деб таърифлаган. Давоний ҳуқуқий қарашларининг ўзига хос томони шундаки, у давлат қонунларининг ҳимоясига ҳар бир кишининг эркин касб-ҳунар танлашини, у оддий халқ меҳнатини, деҳқон меҳнатини ҳимоя қилишини алоҳида кайд этган. Унинг фикрича, инсон фақат адолатли қонунлар ҳукмрон бўлган муҳитда ўз

меҳнати туфайлигина бахт-саодатга эришиш мумкинлигини ҳамда меҳнат инсоннинг шахс сифатида камол топишишига хизмат қилишини илгари сурган.

Шунинг учун ҳам, Давоний инсоний хислатлар: меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, инсонийлик, яхшилик, хушмуомалалиқ, одиллик, донолик ва бошқа хислатларни ижобий баҳолайди. У инсондаги барча хислатларни ақлий фаолият билан боғлаган.

Қувонарли томони, Янги Ренессанс остонасида Ўзбекистондаги барча эзгу амалий ишлар ҳам бу икки Уйғониш даврининг мантиқий ва узвий давоми бўлмоқда. Чунки ахлоқан гўзал, маънан юксак адолатпарвар ва халқпарвар инсонлар бугунги Ўзбекистоннинг эртанги кунини белгилаши билан бирга, Янги Ренессансга улкан ҳисса қўшишини барчамиз яхши биламиз. Бундай қалби пок халқ дарди-ташвиши билан ишлаб келаётган маҳалла раислари жуда кўпдир. Минг афсуски, улар муаммоларни яхши билади-ю, лекин ечимига қийналади. Ҳоким ва ҳокимият олдида кўпгина ишларга ожизлик қилишади. Лекин айнан улар ҳақиқий аҳволни ҳаммадан кўп билишади. Эндиликда қомусий олимлар, Амир Темур илгари сурган ғоялар амалда ўз ифодасини топаётгани янгиланаётган Ўзбекистон халқининг қувонтириши табиийдир. Чунки бу ҳақда Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида «Маҳалла раисларини керак бўлса ҳоким қилишга ҳам тайёрман», – дея таъкидлайди давлатмиз раҳбари. Маҳаллаларда ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилиши, эндиликда маҳалла раислари ва уларнинг ўринбосарларини ҳам тизимли равишда тайёрланишини маълум қилди. Яна бу ҳақиқий янгилик бўлиб, унга кўра, маҳаллада ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида маҳалла раислари ва уларнинг ўринбосарларини ҳам тизимли равишда тайёрлаш йўлга қўйилади. Жумладан, Ургут, Шаҳрихонга ўхшаш катта-катта туманларимизда етти минг, саккиз минг аҳоли яшайдиган маҳаллаларимиз бор. Ўшалардаги маҳалла раисларини керак бўлса ҳоким қилишга ҳам тайёрман, дейилган фикрнинг қанчалик муҳимлигини англаса бўлади.

Ҳуқуқий таълимотлар ривожини хусусида тўхталсак, биргина Бурхониддин Марғинонийнинг (вафоти 1197 йил) «Ҳидоя» асарида жамиятнинг ҳуқуқий муносабатлари ва уларни қонуний ечими таҳлил этилган ҳуқуқшунослиқ ривожига катта ютуқ ҳисобланади. Асарда ҳуқуқ, ахлоқ, жиноий жавобгарлик, мулкчиликнинг ҳуқуқий қафолатлари, ажримлар, шарҳлар (закот, никоҳ, талоқ, ўғрилиқ, жазо, вақф, судхўрлик, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик бериш, даъвогарлик, мулкчилик, мерос, ижара каби масалалар қайд этилган. Шунинг учун ҳам мазкур асар мусулмон дунёсида, айниқса, Ҳиндистон ва Кичик Осиёда ўз вақтида катта обрў-эътибор қозонган. Қонуншунос олимларимиз фаолияти кейинги асрларда ҳам ривож топган. Бунга ҳозирда ўзимизда ва чет эл кутубхоналари, жамғармаларида сақланаётган фикрга оид юзлаб асарлар далилдир. Ҳатто давлат ва ҳуқуқ ривожига оид қўлёзмаларни ўрганишнинг янги босқичи бошланди. Демак, мазкур мавзунинг аҳамияти шундаки, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти тушунчаларининг тарихий асоси, илдизлари ҳам ўз она юртимиздан бошланган. Манбалар етарли фақат тадқиқочиларни кутмоқда.

ХУЛОСА.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, мавзунинг манбавий асослари кенг. Давлатчилигимиз тарихини ёритиш учун турли тилларда битилган тарихий асарлар, қўлёзмалар кўп ва улар дунё давлатлари кутубхоналарида сақланмоқда. Уларда жамланган ҳужжатлар, маълумотлар ўзбек халқининг бой давлатчилик тарихи, ўтмиши, қонунчилиги ва ҳуқуқ соҳаларининг тарихий ривожини тадқиқ этишга хизмат қилади. Иккинчидан, мазкур тадқиқот жамиятнинг қонунлар асосида, муайян тизимлар доирасида бошқарилганлигини асослайди. Учинчидан, мақолада илгари сурилган фикр ва мулоҳазалар ўзбек давлатчилигининг тарихий-ҳуқуқий манбалари асосида икки Ренессанс даври илму фанини кўрсатган бўлса, қиёсий таҳлил янги Ренессанс пойдеворини, тараққий йўлини ифода этмоқда.

Демак, уч минг йиллик тарихда мавжуд бўлган мустақиллик учун, инсон манфаатлари учун, адолатли суд тизими ва диний қадриятларимиз билан уйғунлашган миллий ҳуқуқий институтларимиз мазмун-моҳияти мантиқий ва тадрижий ривож топаётгани илмий

натихадир. Зеро, ҳукукий давлат қуриш йўлидан борар эканмиз, бу борада қонунларга таяниб иш юритиш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади[6].

Ҳозирги даврнинг муҳим томони қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат бўлиб, мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, бу суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ҳамда либераллаштиришнинг муҳим устувор йўналишларидандир. Бу борада миллий қонунчилигимизнинг мунтазам такомиллашиб бораётгани суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. 2021 йилда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга хизмат қилмоқда. Суд ишларини юритишда “Бир суд-битта инстанция” тамойилига амал қилиш ҳам халқимиз учун гуманистик ғояларимизнинг ҳаётийлигидир. Қолаверса, президент Шавкат Мирзиёев парламентга қилган мурожаатномасида жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш борасидаги ишларга алоҳида тўхталиб, келгусида жазони ижро этиш тизимида манзил-колониялар босқичма-босқич қисқартириб борилишини маълум қилганди. Яъни, эндиликда халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониялар босқичма-босқич қисқартирилади. Бундан буён биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олиниши ҳам муҳим янгилик бўлди. Эътиборлиси шундаки, эндиликда мазкур янгилик натижасида ҳозирда жазо ўтаётган 6 минг нафар шахсга ўз маҳалласи назорати остида оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади. Шу билан бирга, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш органидан, янги ташкил этиладиган Инсонпарварлик комиссиясига ўтказилиши бутун дунёда кенг жамоатчиликнинг катта эътиборига сазовор бўлди. Демак, буюк алломаларимизнинг бой сиёсий-ҳуқуқий мероси асрлар ўтса-да, замон билан ҳамнафас бўлиб, ҳуқуқий давлат қуришда бизга ҳамиша йўлчи юлдуз бўлади.

Иқтибос/Сноска/Reference

- [1] Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. –Т.: “Фан”, 1969.
- [2] Саидов А. Основы мусульманского права. Курс лекций. –Т.: Акад. МВД. Респ.Ўзб., 1995. 112 стр. Бурхониддин Марғинович-буюк фикхшунос (шариат ва ўзбек миллий маънавий-ҳуқуқий мероси, тарихий лавҳалар). –Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1997; Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 1,2 жилдлар. –Т.: “Адолат”, 2001. Ю.Муқимов. Ўзбекистон ҳуқуқининг тарихий манбалари. –С.: “Зарафшон”, Мовароуннаҳр фикх мактаби. –С.: 1997; Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи (монография). –С.: 1998. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) –Т.: “Шарқ”, 2000.
- [3] Темур тузуклари, 1991 йилги нашри, 73-бет Яздий. Зафарнома, 316-бет.
- [4] Аликулов Ҳ. Жалолиддин Давоний. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 20-бет.
- [5] Ahmedshaeva M.A. Social problem of youth crime and the formation of the legal culture of students. T International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. Pages: 4363-4377
<https://www.psychosocial.com/article/PR260423/14696/> DOI: 10.37200/IJPR/V24I6/PR260423
- [6] Teaching sufism: ideas of bahauddin nakshbandi and its activity in Modern Uzbekistan. SRK Agzamkhadjaeva Saida Sabithanovna ...International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 28 No. 12 (2019) ISSN: 2005-4238 ...
<http://sersec.org/journals/index.php/IJAST/article/view/122>



ISSN 2181-0796

Doi Journal 10.26739/2181-0796

**KONSENSUS
XALQARO JURNALI**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONSENSUS**

№1 (2021)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000